

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

2003 йил 6 август куни Россия Федерацияси Президенти В.Путин Ўзбекистонга амалий ташриф буюради. Ташриф давомида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, шунингдек, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама этиш режалаштирилмоқда.

# ДЕҲҚОН МАНФААТИ - ЮРТ МАНФААТИ

Қашқадарёда амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг самаралари билан яқиндан танишиш учун вилоятга келган Президент Ислом Каримов 1 август куни Қарши шаҳридаги сержантлар мактабига борди. Армиянинг муҳим бўлини ҳисобланган сержантлар тайёрлаш масаласи мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Жаҳон тажрибасидан аскарларни ҳақиқий жангчи сифатида тайёрлашда сержантларнинг аҳамияти негизли катта экани маълум.

Ислом Каримов аскар ва офицерлар билан суҳбат чоғида масаланинг шу томонига алоҳида эътибор берар экан, сержантлар тайёрлаш ишини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари ҳарбийларнинг яшаш ва ўқиш-ўрганиш шароитини яхшилашга доир фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, бу борада тегишли раҳбарларга зарур маслаҳат ва топшириқлар берди.

Ислом Каримов Шаҳрисабз туманида ҳам бўлди. Болта Фозилов номидаги ширкат ҳўжалигида оилавий пудрат асосида меҳнат қилаётган Раҳмон Юсуфов даласидаги учрашув чоғида деҳқонни рағбатлантириш масаласига катта эътибор қаратилди. Гап шундаки, илгари «қўридан» белгиланган режа асосида иш юритилар, меҳнатдан



манфаатдорлик туйғусига деярли эътибор йўқ эди. Ҳозир пахта ниҳонини сўтишимиз. Демак, деҳқоннинг ўзи яхши ҳосил олишдан бевосита манфаатдор. Бинобарин, режани унинг ўзи белгилаши, ҳўжалик билан шартнома тузиш, шу асосда ишлаши керак. Ана шунда ишда унум, ҳосилда баракка бўлади. Туман, вилоят ва мамлакат миқёсидаги шартномавий режалар бажарилиши ҳам таъминланади.

Ислом Каримов ташаббус деҳқоннинг ўзидан чиқishi муҳимлигини таъкидлади. «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигидаги Яхё ота Эргашев оилада меҳнат қилаётган пахта даласида учрашув чоғида ҳам шу мавзу атрофида суҳбат давом эттирилди.

Президентимиз фермерликнинг афзалликлари билан, пахта уруғининг турларига меҳнатқашлар қандай муносабатда эканлиги билан қизиқди. Қувонарли жиҳати шундаки, пахтакорлик меҳнатдан қониқиб ҳосил қилияпти. Чунки даромаднинг чўғи ўз қўлида

еканлигини англаб етмоқда. Яхё ота 14 фарзанди билан шу ерда меҳнат қилиб, кам бўлгани йўқ. Ҳар йили мавсуми сўнггида қўзланган маррасини эгаллаётган.

Ўртбошимиз масаланинг иқтисодий-иқтисодий жиҳатига алоҳида эътибор қаратар экан, ер ва меҳнат тақсимида ҳар бир минтақада ўзига хос шароитдан келиб чиқиб зарурлигини кайд этди. Дейлик, Шаҳрисабз туманида ишга яроқли киши ҳисобига 1,5-2 гектар ер тўри келди. Бу рақам вилоятнинг бошқа туманларида нисбатан катта-роқ. Иш ва ерни шундай тақсимлаш кераки, ишлаган одам меҳнатиغا яраша фойда олсин. Аҳолининг зичлиги ва экин майдонларининг ҳажмига қараб меҳнат тақсими амалга оширилса, қўзланган фойдани олиш мумкин. Деҳқон етиштирилган ҳосилда эса алал-оқибат эл-юрт манфаатлари акс этади. Айни вақтда жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласи доимий эътиборда бўлиши даркор.

Президентимиз Ислом Каримов дала меҳнатқашларининг барча ишларида янги зафарлар тилади.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига сафари ниҳоясига етди.

**Анвар БОБОЕВ, ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.**

Ўзбек халқининг жаҳонга кўз-кўз этса арзийдиган фазилатлари бисёр. Ҳамюртларимизнинг бир-бирларига эзгу тиллақлар изҳор этишларини шулар сирасига киритиш мумкин. «Ризқу насибангиз бутун бўлсин», дея ният билдиришади кишилар бир-бирларига. Омбори галлага тўла хонадоннинг дастурхони ҳам тўкин, эртасидан кўнгли тўқ бўлади. Бундай элда тўй-тантаналарнинг кети узилмайди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, танikli адабиётшунос Озод Шарофидинов бир суҳбатда бугдўй донасининг қудрати ҳақида



гапириб, бундай деган эди: «Бир донашманддан: «Дунёда энг пахлован нима?», деб сўрашибди. «Бугдўй донаси», дея жавоб берибди у. Назаримда, донашманд бугдўй донаси устидан ётган залворли тупроқни юқини назарда тутган. Чунки бугдўй донаси тупроқни ёриб қўқариб чиқарибди. Аслида бу ҳаётнинг қудратидан. Ана шу ҳаёт ато этган қудрат ҳосиласи бўлмиш дон инсон учун нақадар азиз ва лазиздир».

Дарҳақиқат, дон – ризқ-рўз, тирикчилик рамзидир. Ундан тайёрланадиган хилма-хил, бўрсилдоқ нонлар азиз неъмат сифатида бениҳоя қадрланади. Одамлар унинг ушоғини ҳам увол қилмасликка интилишади. Болалик чоғларимизда бувим раҳматли йитғувчи эди: «Кимки, ҳар кун дастурхонга тўқилган қирқта ушоқни териб еса, унинг ризқ-насибаси бутун, рўзғори баракали бўлади». Бу сўзлар бизнинг мурғак шуғуримизга чўқур сингиб қолган эди. У кишига тақдир қилиб, ҳар кун дастурхондан қирқта ушоқ териб ер эдик. Энди ўйласак, ана шу сўзлар заммирида ҳам табарруқ бўлмиш эъозлаш-мужассам Халки-азалдан боғлиқ удумлар-шакллари кишини

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони тўғрисида**

**Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Миллий маънавият, маданий мерос ва умминсоний қадриятлар негизда юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзда муҷассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шухрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг иқтисодий-сўғий ҳаётида фаол иштирок этиб намуна кўрсатаётган ёшларни рағбатлантириш мақсадида:

1. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан миллий маънавият, маданий мерос ва умминсоний қадриятлар негизда юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзда муҷассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шухрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг иқтисодий-сўғий ҳаётида фаол иштирок этиб намуна кўрсатаётган ёшлар тақдирланади.
2. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонига номзодлар Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракатининг қўйи ташкилотлари ва жамоатчилик томонидан тақдим этилади.
3. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони

**Вобкент туманидаги И.Наимов номидаги ширкат ҳўжалиги пудратчиси Баҳодир Амонов «Қишлоқ ҳаёти»нинг 1 август сонини биздан атайин сўраб олди.** Ўртбошимиз билан ёнма-ён туриб тушган суратига бот-бот тикилиб, сўнг изох берди: «Газетани қариндош-уруғларга кўрсатаман. Кейин уни сандиқдаги ҳужжатларим ёнига асраб қўяман. Ўткнчи дунёда, ука. Набира-чевараларим «Бобом Президент билан суратга тушган» деб фахрланиб юришади».

Мўминобод қишлоғида яшовчи содда, юраги тоза деҳқоннинг бу самимий сўзларини эшитиб кўнгли кўтарилди. Ҳа, одамларимизнинг она-юртга меҳру муҳаббати баланд, Ўртбошига ишончи катта.

Очиғи, ориятли халқимиз. Йўғини яширамиз, борини ошириб айтамыз.

«Рўзғорда камчиликлар йўқми, - дея суҳбатга тартаман. Савол дабудурустан берилгани боисми, Баҳодир ака бир оз иккиланиб «Борига шукр», дейди. Сўнг қўшиб қўяди: «Камчиликсиз рўзгор

да ишлаймиш. Ҳа, Бухоро ака Ойгул опа билан беш фарзанд кўришган. Икки қизни узатишган. Бахтиёр исми ўғиллари бор. У Вобкентдаги хунар билим юртини тугатди. Иختисоси курувчи-уста. «Усталиқдан хабарингиз борми?» деб сўрагандик, қизарган кўйи, «Йўқ», деб тўғриси-ни айта қолди. Сабаби аён: билим юртида ёғоч, дурад-горлик асбоб-ускуналари анқонинг уруғи. Амалий бўлмағач, бола қандай қилиб қасб ўргансин. Эсониз, зое кетган вақт. Хавага соврилган давлат маблағига ачинасан, киши.

Ҳозир Бахтиёр қишлоқдаги ун теғирмонидан ишляпти. Шунисиға ҳам шукр, дейишди ота-онаси.

**Давоми 3-бетда)**

**ЁРУҒ КУНЛАР УМИДИ**

Кеча мамлакатимиз галлакорлари бошоқли дон тайёрлаш бўйича шартномавий режани адо этдилар. Эшон қилинаётган ушбу мақолада галла мустақиллиги йўлидаги изланишлар ва эришилган натижалар ҳақида хўқоқ қилинади.

неъмат экан. миз ҳаётида нон билан кўп б а анъаналар Бирон узок сафарга кузатаётиб, унга қўшалок нонни тишлашиш ва то у қайтиб келгунча ана шу нонларни сақлаб қўйиш одат тусига кирган. Унинг ой бориб, омон қайтиши, ўз юртидан ризқи узилмаслиги учун шундай қилинган. Аксарият хонадонлар турлида харбийга кетган йигитлар тишлаган қўшалок қулча осиглиқ туришига ўрганиб қолганмиш. Оналаримиз олис гўшаларда юрган ўғилларини беҳад соғинганларида ана шу неъматга термулиб ўтирганликларига гувоҳ бўлганмиш. Ўзбекиликда йигит билан қизнинг бошини қорувтириш ҳам нон ушатиш маросими билан бошланади. Хонадонимизга меҳмон келганда эса дастурхонга энг аввало нон қўйилган.

Нон – биз учун лафзи ҳалоллик, тўғрчилик, йимону виждон рамзи ҳамдир. Нон қўйилган жойда ёлгон сўзламаслик, нонни ушлаб ичилган қасамга минбад хиёнат қилмаслик бунинг исботидир. Нон ҳақида гап кетганда, онам сўзлаб берган бир ривоят ёдимга тушади. У кишининг айтишларича, қадим замоналар бир қишлоққа қутилмаганда қароқчилар бостириб келибди. Қишлоққа қираверибди катта йўл бўйида ашай-диган нуруний кампир бу вақтда тандирда нон пухтаётган экан. У шовқин-сурон солганча бостириб келаётган қуролли суворийлар олдиға тандирдан янгигина узилган, екмилли ҳуди димокларни қитиқловчи бўрсилдоқ нонлар билан пешвоз чиқибди.

«Хўш келибсанлар, болаҳонларим, - дея сўз бошлабди кампир ўзига ажабланиб тикилиб турган суворийларга юзланиб. - Меҳмоним нон билан қўшиб илтиф одатимиз бор. Биламанки, силлар ҳам бу ерга яхши ниётлар билан қадам ранжида қилгансиз. Азиз меҳмонимиз бўлинглар.

Шу чоғ суворийлар сардори отидан тушиб, кампирнинг қўлидаги нондан бир бурда ушатиб ебди.

**(Давоми 3-бетда)**

## “ТАРОЗИДАН УРИБ, “НЕКСИЯ” ОЛДИМ”

Юртимиз деҳқонларига тенг келадигани йўқ дунёда. Қайси бозорга кирманг, расталар мевачевага лиқ тўла. Ранг-баранг тусда товланиб, ўзига ром этувчи қирмизи олмаю анорларни кўриб кўз қамашади. Хоҳ қиш бўлсин, хоҳ куз, истаган мавсумда хоҳлаган мевани толасиз. Бозорга кириб қай бирини танлашни билмай гангиб қоласан киши. Бундай тўқинчиликнинг асосий ижодкорлари бўлмиш бободеҳқонларимиз шаънига мингдан-минг тасаннолар айтсак арзийди. Аммо...

Пешин маҳали эди. Бозорнинг картошка, пийёз сотиладиган растаси. 60 ёшлар чамасидаги бир аёл қўлидаги картошка солинган халатани сотувчиға кўрсатиб, баланд овозда арз қилаяпти. Гўё томоша бўлаётган одам ўраб олган, харидорнинг ҳам жағи тинмайди.

«Инсофнинг борми ўзи, тўрт кило картошқадан бир кило уриб қоласанми, ноинсоф! – сотувчининг адолатсизлигидан момонинг лаблари титрайди.

«Осанг ол, бўлмас қайтариб бер. Сендан бошқа харидорлар ҳам кўп! – дея момони сенсираб халтасидаги картошкаларни қайтариб олади жувон. – Берган пули сатта йигирма бешталик, тагин норози бўлганига ўлайми, бунинг!»

«Хой инсон, сенда ҳам бола-чака бордир. Тарозидан уриб барака топмайсан, охиратни ўйла, охиратни!..»

Ҳамма томошабин. Ким ҳақ, ким ноҳақ, ҳеч ким аралашмайди. Кўп ўтмай участка нозира пайдо бўлди. Энди адолат байроғи ўрнатилди, деб ўйлади. Аммо...

«Қани тарқалинлар, бу ер театр эмас!»

**(Давоми 2-бетда)**

## ҲАМКОРЛИК

Испания томонидан республикамизга ажратилаётган 16,2 миллион евро миқдоридagi маблағнинг бир қисми Қорақўл ва Олот туманлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоларини узиш-қесил ҳал этишга йўналтирилади. Бу бежизга эмас. Бухоро вилоятининг мазкур икки туманида анчадан буён ичимлик суви муаммо бўлиб келарди. Натижада ана шу иқтисодий масалага давлат даражасида эътибор қаратиш зарурати ҳужат қилди.

«Хориж кредити эвазига сув тиндириш ва узатиш тизими замонавий асбоб-ускуналар билан тўла янгилаб берилди, - дейди Олот туман ҳокимининг муовини Улўғбек Раҳматов.

## ТРАФФИК

Бу мавзуда сўнги пайтларда республикамиз оммавий ахборот воситаларида таҳлилий қишчишларни кўп қузатилмиш. Жамиятда оғрик нуқтага айланган бу мавзуда акс-садо тарзидаги қишчишлар таъсири ўлароқ одамлар онгида қайсиқидир маънода тушунча ҳам, муносабат ҳам шаклланиб улгурди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятида бош мезон ҳисобланган давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ташқи ҳамда ички траффикнинг олдини олиш, унинг қурбонлари сони ошишига йўл қўймаслик борасида амалга ошираётган қатор чора-тадбирлари ҳам диққатга сазо-вор. Бу қувонарли, албатта. Бирок муносабат ҳамон унга нуқта қўйилмаётгани эса анча ташвишланарли хол.

Меҳнат бозорида ишсизлик ва ишсизлар, ҳақ тўловининг камлиги ҳолатларига мунтазам дуч келинмоқда. Бундай иқтисодий тенгсизлик натижада қонунга хилоф равишда фаолият юритувчи сохта тадбиркорларга траффик (ўғирлаш, қўқчириш, алдаш, зўрлаш йўли билан яқша шахс ёки гуруҳ бўлиб одамлардан фақат ишчи кучи сифатида эмас, балки фахш эксплуатацияси мақсадида фойдаланадилар) мўмай даромад манбаи тусини олаётгани сир эмас.

БМТ экспертларининг маълумотларига кўра, дунё бўйича ҳар йили етти юз мингдан зиёд аёллар ва болалар траффик қурбонларига айланаётган экан.

Очиғи, неча-неча аёлларимиз, қизларимизнинг алдов ва зўрлик йўли билан хорижга траффик қилиниб, бундан чекаётган азиятлари хусусида тез-тез сўз юритиляпти.

## БУНЁДКОРЛИК

Наманган – гўзал шаҳар. Шу кунларда у сочларини майда ўриб, бисотидаги энг ноёб тақинчоқларини тақиб, оролашиб тўйга отланган ўн саккиз яшар сулув келинчаққа ўхшайди.

Наманганнинг соя-салқин қўчалари, файзу тароватга тўла гулзор хиёбонлари ҳаминша пиру бадавлат, нуруний отахонлар билан гавжум. Таъбир

**НАМАНГАННИНГ ЯНА БИР ДУРДОНАСИ**

жоиз бўлса, Наманганни бемалол мамлакатимиздаги «боғ шаҳар», Ўзбекистоннинг Боғи Эрами, дейиш мумкин.

Наманган энг улғу, энг азиз байрамимиз арафаси янада гўзаллашди.

Бу ерда, шаҳарнинг қоқ марказида собиқ пахта тозалаш заводи ўрнида «Ёшлар» спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

**(Давоми 4-бетда)**

## ОТНАЗАР ОҒАНИНИНГ ЮЛДУЗИ

Вақт ҳам аслида йўлдек бир гап. Ёки аксинча, йўл ҳам аслида вақтдек бир гап. Мозийдан маълум, сўғийлар бир-бирларини «ҳамсафарлар», деб аташган, чунки улар бир-бирларини ўртасидаги барча тафовутлардан қатъий назар, ўзларини бир-бирлари билан ҳамманзил, деб билишган. Манзилки – инсоний қомиллик, манзилки – Аллоҳнинг дийдори.

Ҳақ дийдори аслида ҳар бир кўкат билан мулоқотимиздан, ҳар бир япроқнинг василдан бошланади. ОЧЕРК ҳар бир инсон зотиға меҳр-шафқатимиздан, ҳар бир қатра сув учун яратгандан миннатдорчилигимиз, қалимаға келадиган тилимиз-у, тилимизға келадиган қалима учун шукроналигимиздан ибтидоланади.

Яқинда Оғаҳий ҳазратларининг форсий тилда битган шеърларини она тилимизға таржима қилганим, китоб қилиб чиқарганим. Қиётга сафар қилгим келди. Бир баргнингки дийдори, ҳазрат Саъдий айтганларидек, «Ҳақ маърифати дафтارينинг бир варағи» экан, бутун бир Қиёт билан, инсониятга Мунис, Оғаҳийдек алломаларни етказиб берган мавзо билан дийдорлашувнинг фаззини, энди, қўяверасиз.

Аслида, бу сафар бундан бир неча йиллар муқаддам шарқшунос дўстимиз Абдулла Аҳмедов менга Оғаҳий ҳазратларининг «Ашъори форсий»сини лутфан тухфа қилганларида бошланган эди.

Оғаҳий ҳазратлари билан «ҳамсафар»лик саодатидин мажмурман. Албатта, қувончи ўз йўлиға.

**(Давоми 4-бетда)**





(Боши 1-бетда)

-Раҳмат, онажон, - дебди у. - Сизнинг мана шу бир бурда ноингиз ҳар қандай меҳмондорчиликдан аъло. Энди бизга руҳат беринг, ортимизга қайтайлик.

Суворийлар бошлиғи бу воқеадан каттиқ таъсирланибди.

-Кампир бизни енгди, - дебди у йигитларига. - Агар бу кишлоқни талаганимизда бизни ноининг уволи тутиши тайин эди.

Бошқалар ҳам унинг гапларини маъқуллашибди. Онаминг нақл қилишича, ўша воқеа сабаб, талончилар ўз қилмишларидан тавба қилишиб, уй-уйларига тарқалиб кетишган экан. Ҳа, нон ана шундай буюк кудратга ҳам эга.

Мозийга назар соладиган бўлсак, аждодларимиз минглаб йиллар давомида галлачилик билан шуғулланиб келганликларини кўришимиз мумкин. Хусусан, эра-мизгача бўлган 5-6 минг йилликлар (неолит даври)да ҳам Урта Осиёнинг жанубий-ғарбда ўтrock дехқончилик маданияти гуллаб-яшнаган эди. Археологик қазилмаларнинг гувоҳлик беришича, ўша даврларда Жайхун бўйларида арпа ва бугдой экилган. Шунингдек, бронза даврида Фарғона vodiysининг Чуст воҳасида, эра-мизгача бўлган 2 минг йиллик охирида кўҳна Хоразмда сугорма дехқончилиги ўта ривожланган бўлиб, бу ерларда ҳам бошоқли дон қўлаб етиштирилган. Умуман, тарихдан бундай мисолларни истаганда келтириш мумкин. Шундан ҳам кўриладики, ота-боболаримиз қадим замонлардаёқ галла етиштириш ҳадисини олиб, бу борада улкан тажриба тўплашган.

Бу ҳол асрлар оша давом этиб келган. Аммо чор Россиясининг Урта Осиёни босиб олиши оқибатида халқимизнинг галлачилик соҳасидаги аъналарига ҳам птур етди. Мустақилликнинг кўнма-матбаҳо санаот ҳам аёси бўлмиш пахтага бўлган талаби натижасида

сугориладиган галла майдонлари кескин қисқариб, асосан лами жойларда бугдой экила бошлади.

Собиқ иттифок даврида эса бу борадаги аҳвол, айниқса, аянчли тус олганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўша пайтларда уларнинг остонасигача пахта экилар, одамлар эса аллақайси уқалардан келтириладиган унга кўз тикиб, дўқон-

дентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов томонидан Ўзбекистоннинг галла мустақиллигига эришиш суви илгарги сурилишига бир қатор жиддий омиллар сабаб бўлган эди, - дея хотирлайди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Исмоил Журабеков. - Мен ўша пайтларда ҳукумат миқёсида масъул вазифада ишлаганлигим боис уларнинг барчасидан яхши хабардор эдим. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда галла тақчиллиги жиддий муаммага айланган эди. Мана бир мисол. Ўша йилларда бир гал мамлакат галла захирасининг "таги" кўришиб қолган бўлса-да, мутасадди шахслар

майдонга дон эккан бўлсак, кейинчалик бу рақам суви илгарги сурилишига бир миллион гектарга ва лалми ерда эса 250 минг гектарга етказилди. Бир вақтлар ўзимизда 500-700 минг, нари борса, 1 миллион тонна галла ишлаб чиқариларди. Аммо аҳоли эҳтиёжи учун 4,5-5 миллион тонна дон керак эди. Ҳар йили миллионлаб тонна бугдойни пахтанинг пулига четдан



хосилдорлиги ҳам юксалиб борди. Мана, хозир Фарғона, Наманган ва Самарқанда бу кўрсаткич 45-50 центнерга тўғри келаятган бўлса, Андижонда 72-73 центнерни ташкил этапти. Ҳатто, Хоразмдек шимолӣ вилоятда ҳам дехқонлар 45 центнердан ошириб дон етишти-рапти. Бир вақтлар гектаридан 7-8 центнердан галла олинган Қорақалпоғистонда эса бугун 30 центнердан, айрим ҳўжалиқларда эса 45-50 центнердан дон олишяпти. Хозир бизда галла хосилдорлиги кўрсаткичлари кўшни республикалардагига нисбатан 1,5-2 баравар ортқ. Дончилик бизда анча сердаромад тармоққа айланган. Ҳамма ҳўжалиқлар соф даромад олган. Пудратчи ёки фермер шартномадан зиёд етиштирилган хосилдидан яхшигина моддий манфаат кўраяпти. 2002 йили 180-200 тонна бугдойни ўзининг шахсий оморига тўккан фермерлар бўлди. Кишлоқдаги оддий одамларнинг ҳам камида беш-ўн қоп уни бор. Чунки, аҳоли дехқон ҳўжалигида дон етиштиришга ўрганди. Мамлакатимиз тарихида илк бор хорижга уни экспорт қилишга киришилди.

Биз атиги ўн йил ичида четнинг галласига қарамликдан буткул халос бўлиб, ана шу даражага эришдик. Баъзи давлатларга эса бунинг учун 30-40 илг керак бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Хозир биз галла уруғчилигига ҳам жиддий эътибор беряпмиз. Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан Андижон галлачилик илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. У ерда маҳаллий тупроқ-иклим шароитларига мос, серхосил навларни яратиш бўйича самарали тадқиқотлар олиб бориляпти. Чунки ўзимизнинг хосилдор ва юқори сифатли галла навларимизга эга бўлишимиз керак.

Ў.РАҲМАТ (Давоми келгуси сонда)

сотиб олишга мажбур эдик. Шунинг ўзи 350-400 миллион долларга тушарди. Ўша йиллар пахта пулининг кўп қисми нонга кетарди, десам янглишмаган бўламан. Изчил олиб борилган амалӣ ишлар натижасида кейинги йилларда тўлиқ ўзимизни дон билан таъминлашга эришдик. Президентимиз масалани кўндаланг қўйди: галла мустақиллигига эришимиз шарт. Галла мустақиллигига эришиш ҳаракатлари бошланган дастлабки йилларда республика бўйича сугорма ерлардан ўрта хисобда 21-22 центнердан хосил олинарди. Шунинг учун баъзилар: "Нима учун унумдор ерларга пахта ўрнига хосилдорлиги паст бўлган галла экишимиз керак?" дея норози бўлишган эди. Бироқ бу борада бошланган кенг кўламли ислохотлар натижасида республикаимизда галла



Ў.РАҲМАТ (Давоми келгуси сонда)

# МУСТАҚИЛЛИК БУГДОЙШОЯТЛАРИ

ларда сарғайиб ўтиришарди. Оғир захматлар эвазига етиштирилган миллионлаб тонна "оқ олтин"нинг хазурини кўриб ётган "Марказ" дагилар эса "биз ёрдам бермасак ўзбекларнинг қорни нонга ҳам ёлчимайди", дея иддао қилишдан да тоймасдилар. Яшириб нима килдик, ана шундай "серхиммат оғалар" "шарофати" тўғрисида халқимиз маълум мuddат арпа-ю маккажўҳори унидан қилинган зогора нон ейишга ҳам мажбур бўлган эди. Бундай "дорилмон замонлар" машаққатини кўпчилик одамлар жуда яхши эслашди.

Собиқ тузум заволга юз тутган, ўз мустақиллигини қўлга киритган республикаимиз олдида эздилик билан ҳал қилиниши лозим бўлган қатор муаммолар кўндаланг турар эди. Жумладан, маълум бир шартлар ва каттагина маблағлар эвазига четдан дон келтириш муаммосига ҳам барҳам бериш лозим эди. -Мухтарам Прези-

амалда ҳеч қандай чора кўришмаган. Бу ҳақда ҳеч қим Президентга очик айтмаган. Ислам Абдуганиевич эса мавжуд маълумотларга таянган ҳолда хали яна бир ярим ойга етадиган галламиз бор деб ёлчимайди", дея иддао қилишдан да тоймасдилар. Яшириб нима килдик, ана шундай "серхиммат оғалар" "шарофати" тўғрисида халқимиз маълум мuddат арпа-ю маккажўҳори унидан қилинган зогора нон ейишга ҳам мажбур бўлган эди. Бундай "дорилмон замонлар" машаққатини кўпчилик одамлар жуда яхши эслашди.

Ана шундай мурақаб бир шароитда Ислам Абдуганиевич катъият билан иш юритди. Тез кунлар ичида Россиядан 100 минг ва Украинадан 50 минг тонна дон олиб келдик. Шу тариха юз бериши мураккаб бўлган дон танқислиги муаммоси бартараф этилди. Шундан сўнг Президент галла мустақиллиги ҳақидаги масалани ўртага қўйди. Бу жараён осон кечгани йўқ. Дастлабки йили 500 минг гектар



(Боши 1-бетда)

## ЁРУҒ КУНЛАР УМИДИ

(Боши 1-бетда)

-Ҳўжалик маош бермаса тирикчилик қандай ўятпти ёки пулни сандиқча босиб қўнгизларим, - дея ўсмуқолаб сўраймиш хонанд ағаларидан.

-Сандиқча эмас, чўнтақда қанча пулинг бор, деб сўранг, - гапни ҳазил деб тушунади Ойгул опа. Сўнг хўрсинган кўйи қўшиб қўяди. -Қассобдан ярим қилти нўнасига олганимизга ҳам уч кундан ошиб қолди.

-Мехмонга қартошқа қовуриб келсанг-чи, - дейди Баҳодир ака унғайсиз аҳволга тушиб. Кейин томорқасига ишора қилиб гапнинг нишанини бурлади. - Бу йил қартошқадан яхши хосил олдик. Озрогини сотдик ҳам. Даладаги ишдан ортиб баъзан мардикорлик қиламан. Мехнатнинг айби йўқ.

-Мактабни таъмирлашга ҳам қарашиб турасизларми?

Бу саволимиз Баҳодир ақанинг тумандаги 10-ўрта мактабда ўқитган қизи Сафияга қаратилган эди.

-Ҳа, - дейди у. - Икки қило бўёқ элтиб бердим. Синглим Саида ҳам...

Баҳодир ака бизни Юртбошимиз билан учрашган аёллардан бири - Жамила Жумаеванинг уйига бошлаб борди. Айтишга истиқола қилсан киши: пастак, томсувоқ уйлар, кўрмисизгина ҳовли.

-Тўғриси айтсан бизга гап тегмайдими? - дея сўради у нимадандир хавотирланиб.

-Ўзлари айтмас ҳам кўзлари айтиб турибди", деб Президентимиз таъкидладиларку, - дейман Юртбошимизнинг Бухоро вилояти фаоллари билан учрашувидидаги сўзларини эслашиб.

-Ўшанда маҳаллий раҳбарларимиз хафа бўлишмасин, деб бор гапни айтгани андиша қилдим, - дейди Жамила опа. - Тўғри, мактаб ремонтни учун пул берганимизни айтмоқчи эдим. Аммо раисимиз мендан олдинроқ жаов бериб қолди.

Жамила опа бир гектар ерда дехқончилик қилади. Унга ҳам маош ўрнига 100 килограмм бугдой теккан. Хайитда икки қило ёғ ҳам беришган.

-Хайриятки, оиламизда икки нафақахўр бор, - дейди у қайнотаси Сайфиқдин бобо билан қайнонаси Хамро Бибини назарда тутиб. - Улар ойига 36 минг сўм пенсия олишди. Бозор-ўчарни шу хисобдан қиламиз. Ҳўжайиминг "Бухоротеқ" хиссадорлик жамиятида ишлашди. Уч ойдан буён маош олгани йўқ.

Ранг кўр, ҳол сўр, дейишди. Жамила опанинг 5 ва 2-синфда ўқийётган қизи фарзанди

бор. Уларнинг қандай шароитда дарс тайёрлаши билан қизиқдик. "Стол-студийи йўқ. Шундай бўлган, ёнбош тушиб дарс қилишди-да", дейди уй бекаси хижолат чекканча. Дарвоқе, шарт-шароити масаласи. Вобқентдаги қўлаб кишлоқлардагидек бу ерда ҳам дуч келган жойдан иморат қишлашган. Мўминободнинг одамлари ҳам кишлоқ исми-жисмига монанд: шунчалар мўмино-қобилики, шароитдан сўз очсангиз "Шукр" дейишди, андиша қилишди. Холбуки, бу ерда болалар боччаси йўқ, сартарошхона йўқ, ҳаммом йўқ, Чойхона-ю кутубхонани айтмас ҳам бўлади.

Тўғри, ширкат ҳўжалигига қарашли боғча бор эди. Ҳўжалик ёлпай олмагач уни сотиб юборди. Пулига кишлоққа табий газ келтиришди. Мўминободликлар шунингга ҳам шукр қилиб юришибди. "Ўтган қишда Вобқент қишида яшовчилар газ йўқлигидан кўмир, ўтин ёқибди. Бизда эса босим хийла пасади, холос" деб суюнишганини айтмайсизми?

Кишлоқ аҳлини ўйлантириб турган яна бир муаммо бор. Мўминобод Бухоро-Тошкент магистрал йўли ёқасида жойлашган. Аммо пидедалар ўтиши, қолаверса, Бухоро томондан келаятган автомашиналарнинг бурилиб олиши учун шароит яратилмаган. Гап шундаки, экин майдонлари йўлнинг нариги томонида. Сомон ёки ўзгараюни ташиб келтиришнинг турган-битгани тавшиви. Негаки, трактор 7 километр йўл босиб туман марказидан қайтиб келиши керак. Қолаверса, болаларини мактабга жўнатган ота-оналар ҳам жон ховчулаб туришади. Бир-иккита бахтсиз ҳодиса ҳам рўй берди.

Хуллас, гапирса гап қўл. Аммо мўминободликлар билан сўхбатлашиб бир нарсани ишонч хосил қилдик. Уларнинг эртанги кундан умидлари катта. Инсон асли шундай. У ёруғ кунлар орузида яшайди.

-Бугунги қийинчиликлар, ўткинчи, - дейди Юртбошимиз сўхбатлашган аёллардан бири Бибиражаб Мирзаева. - Қийинчиликлар ортада қолиб яхши кунлар келишига ишонамиз.

-Ислам ака билан учрашганимиздан сўнг эртанги кунга ишончимиз янада мустаҳкамланди, - дейди кўпчилик фикрини ифодалаб Жамила Жумаева. - Илоҳим, умрлари узок бўлсин.

Содда, меҳнатқаш, тиниб-тинчимас бу дехқон аёлларнинг сўзларига нуруний отахон Сайфиқдин бобо Мўминободнинг "Тинчилигимизга кўз тегмасин, дастурхонимиздан қутбарак аримасин" деган тилақлари уйғулашиб кетди...

Истам БИРОХИМОВ, "Кишлоқ ҳаёти" муҳбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ҲўЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

марказий аппаратнинг қўйидаги бўш лавозимларига ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади:

Table with 3 columns: Position Name, Number of Vacancies, and Application Details. Includes positions like 'Пахтачилик ва техника экинларини ривожлантириш бошқармаси', 'Кишлоқда бозор инфратузилмасини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси', etc.

## Танлов қатнашчиларига асосий талаблар:


- Махсус олий маълумот;
-Қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида камида 5 йил иш тажрибаси;
-Компьютерда ишлаш кўникмаси;
-Давлат ва хорижий тилларни билиши;
-Тошкент шаҳри ва вилоятда рўйхатга олинган ҳамда турар жойи бўлиши.

Аризалар ва тегишли ҳужжатлар шу йилнинг 19 августига қўйидаги манзилга топширилуши лозим: Тошкент шаҳри А.Навоий кўчаси 4-уй. Маълумот учун телефонлар: 411331, 412720. Танловнинг тўлиқ шартлари билан вазирликнинг 2-қават 27-қоҳасида танишиши мумкин.

## ЕТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

### МОЗДАК: ГУМОНДОРЛАР УШЛАНДИ

Россия Федерацияси бoш прокурорининг ўринбосари Сергей Фридинскиининг айтишича, Шимолий Осетиянинг Моздак шаҳрида юз берган террор актида икки киши гумон этилиб, хибсга олинган



Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фикрича, ушбу террор амалиёти чечен айирмачиси Шамил Басаев одамлари томонидан амалга оширилган. Хозирда Москвага келтирилган 9 нафар жабрланувчининг аҳволи яхши. Эслатиб ўтамиз, 1 август кун соат 19 ларда Моздак шаҳридаги ҳарбий госпитал биносига таҳминан бoртига 1,5 тонна тротил моддаси ортилган "КамАЗ" автомашинасининг келиби урилиши боис катта портлаш юз бериб, бино қариб вайронга айланган эди. Шунингдек, фoжеа тўғрисида 50 киши ҳалок бўлиб, 82 киши жароҳатланганди.

### "АЛ-ҚОИДА" БАЁНОТИ

Дубайда жойлашган "Ал-Арабия" телеканали "Ал-Қоида" ташкилотининг баёноти ёзилган аудио ёзувни эфирга узатди. Унда ўзини Айман ал-Заваҳири деб таништирган овоз, агарда Кубадаги Гуантанамо базасида сақланаётган маҳбусларга АҚШ томонидан бирор зийн етказилса, бунинг учун Қўшма Штатлар тавон тўлайди, дея айтади.

Америка ҳуқуқати эса бироз аввал Гуантанамо базасида сақланаётган 600 дан ортқ "Ал-Қоида" ва Толибон аъзоларидан маълум бир қисми ҳарбий трибуналга топширилди, улар ўлим жазосига ҳам тортилишлари мумкинлигини маълум қилганди. Утган ойда эса ушбу базада турган покистонлик маҳбуслар озод этилган эди, дея хабарини яқунлайди "Ассошиэйтед Пресс" агентлиги.

### АФҒОНЛАР ОСОЙИШТА ҲАЁТГА ҚАЙТМОҚДАЛАР

Афғонистон ҳуқуқатининг маълум қилишича, ўтган ҳафта мамлакат жанубидаги Қандаҳор ва Урузгон вилоятларида 20 нафарга яқин собиқ Толибон ҳаракати аъзолари хибсга олинган.

Биргина Қандаҳор вилоятда АҚШ ҳарбийлари кўмаги остида 500 га яқин афғон аскарлари томонидан ўтказилган операция вақтида 19 нафар жангари ушланган. Улар орасида мулла Абдулхамид, мулла Абдулқадир, мулла Зоҳир исмли дала кўмондорлари ҳам борлиги муҳим аҳамиятга эга. Афғонистон шимолида эса мингга яқин маҳаллий кишиларнинг ўз хоҳишлари билан қуролларини ҳуқуқатга топширишларига эришилган. Афғонистон муваққат ҳуқуқати раҳбари Ҳамид Карзайнинг хавфсизлик ва мудофаа масалалари бўйича ўринбосари генерал Абдулрахим Дўстумнинг айтишича, бу - кишиларнинг кўнглили тарзда қурол топширишларининг дебютидир.

### ЯҚИН ШАРҚ: МАХБУСЛАР ОЗОД ЭТИЛАДИ

Эртага Исроил ҳуқуқати ўз қамқоқоналарида сақланаётган фаластинлик маҳбуслардан 400 нафарини озод этишни бошлайди. Агарда бунга қадар Исроил ҳуқуқатида бирор жиддий хурж юз бермаса.

Бугун Исроил қамқоқоналарида 6000 га яқин фаластинликлар сақланаётган бўлиб, уларнинг босқичма-босқич озод этилишлари "Йул харитаси" режаси доирасида қўйилган муҳим қадам саналади. Аммо, Исроил дарёсининг ғарбий қирғоғида эса "Ал-Ақсо" жабрдийдалар бригадаси" аъзолари томонидан исроиллик аёл ва унинг уч нафар фарзанди кетаятган автомобил ўққа тутилиб, машина ичидагилар жароҳатланганлар. Исроил ҳуқуқати бундай вазиятда радикал исломчиларнинг қуролсизлан-тирилишига эришиб бўлмаслигидан хавотирланмоқда

### ИЛҲОМ АЛИЕВ: ОТАМНИНГ АҲВОЛИ ЯХШИ

Россия телеканалига интервью берган Озарбайжон президенти Ҳайдар Алиевнинг ўғли Илҳом Алиев отасининг соғлиги оғирлашганига ҳақида муҳолифатчилар матбуоти томонидан тарқалган хабарларни рад этиди.

8 июл кун Анкарадаги "Гулхон" госпиталида даволаниш учун келган Ҳайдар Алиев бугун тиббий муолажалар оломқда. Унинг соғлиги яхши эканлиги ҳақида Озарбайжоннинг Туркиядаги элчиси ҳам махсус чиқиб қилган. Айни пайтда эса Озарбайжонда 15 октябр кун бўлиб ўтадиган президентлик сайловларига 5 киши ўз номзодини қўйган. Унга қадар ҳуқуқатини Ҳайдар Алиев бошқариши керак.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҲБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 5 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни яритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:

Table with 3 columns: Currency, Exchange Rate, and Unit. Includes entries for Australia dollar, England fund sterling, etc.

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъзур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1997 йили Азимов Муҳтор Нуржоновичга берилган О'Р-А № 011129-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утервяное свидетелство оё окончание восьмий классов, выданное 21.06.82 г. школой № 9 г. Чирчикта Ташкентской области на имя Саволовой Ольги Леонидовны, считать недействительным.

Утервяный гос. ордер № 00-21/9031 от 23.11.93 г. права собственности Турсунова Хамидуллы Камаловича на квартиру, считать недействительным.

Тошкент шаҳар Ақмал Иқромов тумани ҳокимлиги томонидан 1993 йил 13 январда № 01-02/2411-сон билан Сидиков Уктам Раджабович номига берилган уй-жойнинг хусусий мулк ҳуқуқини тасдиқловчи № 60795-рақамли далолатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

